



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**“Тиббиётда симуляцион таълим: муаммолар,
ечимлар, истиқболлар” мавзусида республика
илмий-амалий анжумани**

АХБОРОТ ХАТИ

Андижон - 8 ноябрь, 2024 й.

Хурматли ҳамкасблар!

Сизни 2024 йил 8 ноябрь куни Андижон давлат тиббиёт институтида ўтказиладиган “Тиббиётда симуляцион таълим: муаммолар, ечимлар, истиқболлар” мавзусида халқаро олимлар иштирокидаги Республика илмий-амалий анжуманида иштирок этишга таклиф этамиз.

Анжуман ўтказилиш формати: гибрид (онлайн/офлайн).

Анжуманга симуляцион ўқув марказлари раҳбарлари ва тьюторлари, тиббиётда симуляцион ўқитиш мутахассислари, тиббиёт ОТМ раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари, бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлар, барча профил шифокор-мутахассислари таклиф қилинади.

**Институт ректори,
т.ф.д., профессор**

М.М.Мадазимов

Анжуманнинг илмий йўналишлари:

1. Тиббиёт ва тиббий таълимда рақамли (виртуал) технологиялар.
2. Тиббиёт ва тиббий таълимда сунъий интеллект истиқболлари ва хавфлари.
3. Олий ва узлуксиз тиббий таълимда, шунингдек, соғлиқни сақлаш амалиётида симуляцион ўқитиш.
4. Тиббий таълимда ягона ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, имитацион модулларни баҳолашнинг стандарт тизими масалалари.
5. Тиббиётда симуляцион ишлар доирасида илмий-тадқиқот ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш масалалари.

Маърузалар: маърузалар давомийлиги 10 дақиқа, тўхталишлар-3 дақиқа. Маърузалар кўргазмали слайдлар ва видеоматериаллар билан яратилган бўлиши керак. Маъруза тақдимотлари иловага муфовиқ ташкилий кўмитанинг электрон почтасидан asmi-361@mail.ru маърузаларни қайд этиш харитаси тўлдирилган ҳолда жўнатишни талаб қилади. Маърузаларнинг электрон шакли биринчи муаллифнинг исми шарифи кўрсатилган ҳолда тақдимот кўринишида юборилишини сўраб қоламиз, масалан, “Usmonov doklad.pptx”.

Мақолани расмийлаштиришга талаблар: Мақола ҳажми 1,5 интервалда 10 varaқ, 2,0 см ўлчамда (ҳар томондан) фақат электрон кўринишда редакторга юборилади. Матннинг электрон нусхаси WordforWindows дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 kegel катталигида бўлиши талаб этилади.

Мақола номи қисқартирилмайди. Матн қуйидаги шаклда расмийлаштирилади: мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади, тадқиқот материаллари ва методлари, натижалари ва уларнинг муҳокамаси, хулосалар, адабиётлар рўйхати.

Тегишли талабларга жавоб берадиган, илмий-амалий тавсияга эга бўлган мақолалар “Тиббиётда симуляцион ўқитиш Россия жамияти - РОСОМЕД” умумроссия жамоат ташкилотининг “**Тиббиётда виртуал технологиялар**” илмий-амалий журналида чоп этилади.

Мақолаларнинг электрон шаклини биринчи муаллиф исми шарифини кўрсатиш билан Word.rtf файл форматида жўнатиш сўралади, масалан, “Usmonov statya.rtf”.

Тезисларни расмийлаштиришга талаблар: Тезислар ҳажми 1 интервалда ҳар томондан 2 смдан 2 varaқ ўлчамда (ҳар томондан) фақат электрон кўринишда нашриётчига юборилади. Матннинг электрон нусхаси WordforWindows дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 kegel катталигида бўлиши талаб этилади

Тезис номи қисқартирилмайди. Матн қуйидаги шаклда расмийлаштирилади: тадқиқот долзарблиги, мақсади, тадқиқот материали ва методлари, натижалар ва уларнинг муҳокамаси, хулосалар.

Тезислар ташкилий кўмитага электрон вариантда “Анжуман” мавзусига мос asmi-361@mail.ru манзилига юборилади (биринчи муаллиф исми шарифини кўрсатиш билан Word.rtf файл формати, масалан: “Usmonov tezis.rtf”) Тегишли талабларга жавоб берадиган, илмий-амалий тавсияга эга бўлган тезислар анжуман тўпламига киритилади.

Мақола ва тезислар 2024 йил 10 октябргача қабул қилинади.

Барча мақола ва тезислар “Антиплагиат” тизимида текширилади!
Анжуман мавзусига мос бўлмаган, тегишли талабларга жавоб бермайдиган, илмий-амалий тавсияга эга бўлмаган мақола ва тезислар тўпламга киритилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Илова

Маърузаларнинг қайд этиш харитаси

1	Муаллифнинг ИШО (тўлик)	
2	Ўқув муассасаси ва илмий даражаси	
3	Иш жойи ва лавозими	
4	Анжуман мавзулари	
5	Маъруза мавзуси	
6	Мобил телефон рақами (қайта боғланиш учун WhatsApp ва/ёки Telegram)	
7	E-mail	
8	Мамлакат, шаҳар	

Тўлик ва қўшимча маълумотлар <http://adti.uz/> сайтига жойлаштирилади.

Анжуман (конференция) ва маҳорат дарсларини ўтказиш жойи:

Андижон давлат тиббиёт институти.

Ўзбекистон Республикаси Андижон ш., Ю.А.Атабеков кўчаси 1-уй.

Маълумот учун (Ташкилий масалалар ва иштирок):

Усмонов Умид Донакузиевич.

Тел.: +998905712144., e-mail: udusmonov@gmail.com

Кўрғазмада иштирок этиш учун симуляцион ва тиббий анжомлар ишлаб чиқарувчи, ўқув адабиётлар яратувчилар ҳамда фирмалар таклиф этилади.

ҲАМКОРЛАР:	ҲОМИЙЛАР:

Euro**MedSim**



МЕДКОМПЛЕКС

